“СУНАНИ АБУ ДОВУД” АСАРИНИНГ БОШҚА САҲИҲ ВА СУНАН АСАРЛАРИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СБОРНИКА «СУНАН АБУ ДАУДА» С ДРУГИМИ СБОРНИКАМИ «САХИХ» И «СУНАН»

A COMPARATIVE ANALYSIS OF “SUNAN ABI DAWUD” WITH OTHER SAHIH AND SUNAN COLLECTIONS

ABDURAKHMANOV Makhmud
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Head of the Department of «Hadith Studies» School of Hadith Sciences PhD Student, 2nd Year
Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: 8189715@gmail.com

DOI: 10.47980/IIAU/2025/3/6

Аннотация. *Ушбу мақолада «Сунани Абу Довуд» асарининг ўзига хос хусусиятлари, асар ровийларга қўйилган талаблар, ҳадисларининг фиқҳий аҳамияти ва уларнинг бошқа ҳадис тўпламлари билан фарқли жиҳатлари ўрганилган. Имом Абу Довуднинг асосий мақсади - аҳком ҳадисларини жамлаш ва уларни ҳужжат сифатида келтириш бўлиб, у ўз тўпалмига саҳиҳ ҳадислардан ташқари ҳасан ва айрим заиф ҳадисларни ҳам киритган бўлиб, бунда заиф ҳадисларнинг даражасини баён қилган.*

Мақолада «Сунани Абу Довуд»нинг «Саҳиҳи Бухорий», «Саҳиҳи Муслим», «Сунани Термизий», «Сунани Насоий» ва «Сунани Ибн Можа» асарлари билан умумий ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган. Ҳар бир тўпламнинг мақсади, ровийлари, ҳадисларни қабул қилиш шартлари, уларнинг фиқҳий ва ижтиҳодий аҳамияти кенг ёритилган. Имом Абу Довуд ҳадисларни тартиблаштириш ҳамда уларни далил сифатида қўллаш масаласига алоҳида эътибор берган. Шунингдек, асарда санадлар ва илал (нуқсонлар) ҳақида ҳам муфассал маълумотлар берилган. Мазкур мақола ҳадис илмининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганаётган тадқиқотчилар учун муҳим илмий қўлланма бўлиб, методик асосларни чуқур тушунишда катта аҳамият касб этади. «Сунани Абу Довуд»нинг ҳадис ва фиқҳ илмида тутган ўрни, унинг илмий қиймати ҳамда тадқиқотчилар учун муҳим манба сифатидаги аҳамияти алоҳида таъкидланган.

Калит сўзлар: *сунан, Абу Довуд, саҳиҳ, сунан, жоме, тарожим, аҳком ҳадислар, ровийлар.*

Аннотация. *В данной статье изучаются отличительные черты сборника «Сунан Абу Дауда», требования, предъявляемые к его передатчикам, правовое (фикх) значение его хадисов и их отличия от других сборников хадисов. Основной целью имама Абу Дауда был сбор хадисов, касающихся правовых норм (ахкам), и представление их в качестве доказательств (худжжа). В свой сборник он включал не только достоверные (сахих) хадисы, но также хорошие (хасан) и некоторые слабые (даиф) хадисы, при этом разъясняя степень слабости последних.*

В статье анализируются общие и отличительные черты «Сунана Абу Дауда» в сравнении со сборниками «Сахих аль-Бухари», «Сахих Муслим», «Сунан ат-Тирмизи», «Сунан ан-Насаи» и «Сунан Ибн Маджа». Подробно освещаются цели каждого сборника, их передатчики, условия принятия хадисов, а также их значение для фикха и иджтихада. Имам Абу Дауд уделял особое внимание систематизации хадисов и их применению в качестве доказательств. Кроме того, в его труде представлена подробная информация о цепочках передатчиков (санадах) и скрытых дефектах хадисов (иляль).

Данная статья представляет собой важное научное пособие для исследователей, изучающих теоретические и практические аспекты хадисоведения, и имеет большое значение для глубокого понимания методологических основ. Особо подчёркивается место «Сунана Абу Дауда» в науках о хадисах и фикхе, его научная ценность и значимость как важного источника для исследователей.

Ключевые слова: *Абу Дауд, сахих, джами, тараджим, хадисы-ахкам, передатчики (рави).*

Abstract. *This article examines the specific features of the collection “Sunan Abi Dawud,” the criteria required of its narrators, the legal (fiqh) significance of its hadiths, and their distinctive aspects compared to other hadith collections. Imam Abu Dawud’s primary objective was to compile hadiths related to legal rulings (ahkām) and to present them as legal proof (hujjah). In his collection, he included not only authentic (sahīh) hadiths but also good (hasan) and some weak (da‘īf) hadiths, while clarifying the degree of weakness of the latter.*

The article analyzes the commonalities and differences between “Sunan Abi Dawud” and the collections of “Sahih al-Bukhari,” “Sahih Muslim,” “Sunan al-Tirmidhi,” “Sunan al-Nasa’i,” and “Sunan Ibn Majah.” The objectives of each collection, their narrators, the criteria for accepting hadiths, and their significance for jurisprudence (fiqh) and independent legal reasoning (ijtihād) are extensively discussed. Imam Abu Dawud paid special attention to the arrangement of hadiths and their application as evidence. Furthermore, his work provides detailed information on the chains of narration (sanad) and hidden defects (‘ilal).

This article serves as an important scholarly guide for researchers studying the theoretical and practical aspects of hadith sciences and is of great significance for a deeper understanding of methodological foundations. The position

of "Sunan Abi Dawud" in the sciences of hadith and fiqh, its scholarly value, and its importance as a crucial source for researchers are particularly emphasized.

Keywords: *sunan, Abu Dawud, sahih, sunan, jami', tarajim, ahkam hadiths, narrators (rāwīs).*

КИРИШ

«Сиҳоҳ ас-ситта»га кирувчи ҳадис тўпламлари йўналиши ва мавзуларининг қамровига қараб бир-биридан фарқланади. Саккиз мавзудаги ҳадисларни жамлаган ҳадис тўплами «жоме» деб номланган. Мазкур 8 мавзу: сийрат, одоб, тафсир, ақоид, фитналар, қиёмат аломатлари, фиқҳий ҳукмлар ва маноқиб (Аминов Ҳ., 2021:142). Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг «саҳиҳ»лари жоме туркумига киради.

Фиқҳий мавзулар тартибида ёзилган ҳадис тўпламлари «сунан» деб номланади. «Сиҳоҳ ас-ситта» таркибига кирувчи Имом Абу Довуд, Имом Насоий ва Имом Ибн Можаларнинг ҳадис тўпламлари «сунан» туркумига киради.

Имом Термизийнинг ҳадис китоби эса ҳам жоме, ҳам сунан туркумига киради. Чунки, асар фиқҳий мавзулар билан бошланган ва юқорида санаб ўтилган 8 та мавзуни ўз ичига қамраб олган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Абу Довуднинг тўплам тузишдаги мақсади фақиҳлар томонидан масалаларга далил сифатида олинган ҳадисларни жамлаш бўлган. Натижада, бу хилдаги ҳадислар барча «турук»лари билан бирга бир жойда тўпланган. «Сунани Абу Довуд»да фақиҳлар далил деб билган турли ҳадислар келтирилади, лекин уларнинг саҳиҳлигига этибор қилинмайди. Чунки, баъзи фақиҳлар далил сифатида олган ҳадислар муҳаддислар наздида заиф ҳисобланган бўлиши мумкин. Бундай ўринларда ҳадиснинг заиф деб топилгани қайд этиб кетилган. Имом Абу Довуднинг ўзи бу ҳақда: «Мен китобимда саҳиҳ ҳамда саҳиҳга ўхшаш ва яқин бўлган ҳадисларни келтирганман. Агар, ҳадиснинг заифлиги зиёда ва кучли бўлса, огоҳлантирганман. Агар, қайси ҳадис борасида сукут қиладиган бўлсам, бу ҳадис менинг наздимда далилланишга лойиқдир», деган (Муҳаммад Аввома, 2016:41-42).

Имом Абу Довуд «Сунан» асарини тузишда тутган услубини Макка аҳлига ёзган рисоласида баён қилиб ўтган. Шунга асосланиб, Имом Абу Довуд тўпламининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- тўпламда фақат аҳком ҳадислари келтирилган. Шу сабабдан асар таркибида «зуҳд ва фазилатли амаллар» боблари йўқ. Имом Абу Довуд бу борада шундай деган: «Сунан китобимга фақатгина аҳком ҳадисларни киритдим. Зуҳд, фазилатли амаллар ва шунга ўхшаган боблардаги ҳадисларни киритмадим. Бу 4800 ҳадис ҳаммаси аҳкомлар борасидадир» (Сулаймон ибн Ашъас, 2008:34). Имом Ғаззолий буни тасдиқлаб: «Мужтаҳид киши Абу Довудни сунанларидаги ҳадисларни билса, шунинг ўзи кифоя қилади», деганлар (Исмоил ибн Умар ибн Касир, 1997:55);

– Имом Абу Довуд ҳар бир бобда ўзининг наздида энг ишончли ҳисобланган ҳадисларни келтирганлар. Унинг ўзи таъкидлашича: «Сизлар мендан «сунан»даги ҳадислар сизнинг наздингизда энг ишончли ҳадисларми?, деб сўрайсизлар. Билингларки, ҳаммаси шундай» (Сулаймон ибн Ашъас, 2008:22);

– Имом Абу Довуд ўзининг наздида «матрук» бўлган ровийдан ҳадис ривоят қилмаган. Имом Абу Довуд: «Тасниф қилган ушбу «сунан» китобимда «матрук» бўлган ровийдан бironта ҳам ҳадис йўқ» (Сулаймон ибн Ашъас, 2008:25);

– Имом Абу Довуднинг сарлавҳалари жуда аниқ ва қисқалиги билан бошқаларидан ажралиб туради (Иброҳим Ажин, 2022:60).

– Имом Абу Довуд «сунан» китобида аҳком ҳадисларни ҳаммасини қамраб олишга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам Макка аҳлига ёзган рисоласида: «Менингдек аҳком ҳадисларни қамраб олган бирон кишини билмайман», деган (Сулаймон ибн Ашъас, 2008:45).

Имом Абу Довуднинг «Сунан»ининг ўзига хос хусусиятлари бошқа айни туркумдаги тўпламлар билан қиёсланганда янада яққол кўзга ташланади. Масалан, Имом Термизий ҳам ўзининг «Жоме ас-сунан» тўпламида Имом Абу Довуднинг услубига мувофиқ йўл тутган. Фарқли тарафи, Имом Абу Довуд фақат фиқҳий ҳукмлар баён қилинган ҳадислар билан чекланган, Имом Термизий эса фиқҳий боблар билан чекланмаган, балки ақида, сияр, одоб, қиёмат аломатлари бобларини ҳам киритган.

Имом Термизий ва Имом Насоийлар тўпламларида санадлар тўғрисида маълумотлар берган. Имом Абу Довуд эса бу борада жуда кам ўринларда маълумот берган. Имом Термизий «иллат»лар масаласига ҳам тўхталиб ўтиб,

фақиҳларнинг мазҳабларини ҳам батафсил баён қилган. Имом Термизий фақиҳ ва мужтаҳидларнинг далилларини ҳам жамлашга ҳаракат қилган.

Ҳар икки «Сунан» китобининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, унда келтирилган барча ҳадислар қайсидир фақиҳ томонидан қабул қилиниб, унга амал қилинган. Бу ҳақида Имом Термизийнинг ўзи тўпламига илова қилинган «ал-Илал ас-сағир» асарида таъкидлаб ўтган.

Имом Термизий бобларга ҳар бир ҳадиснинг мазмунидан ва матнидан келиб чиқиб сарлавҳа қўйишда Имом Абу Довуднинг «Сунан»ига ўхшаш йшлни танлаган.

Имом Насоий одатда, ҳар бобнинг аввалида «иллат»ли ҳадисни келтириб, кейин ўзининг наздида саҳиҳ бўлган ҳадисни келтиради. Шу билан бирга, озроқ ҳукмларни истинбот қилишга ҳам мойиллик кўрсатган (Аминов. Ҳ, Исмоилов М, Абиев Ҳ, Абдуллаев Б., 2021:320).

Имом Ибн Можанинг ҳам тўпламни тузишда тутган услуби Абу Довуднинг услубига ўхшайди. Фарқи шуки, Имом Ибн Можа ҳадисларнинг саҳиҳлик ёки ҳасанлик даражасига Имом Абу Довуд эътибор қаратгандек эътибор қаратмаган. Имом Ибн Можанинг фиқҳий тартиби ҳам Имом Абу Довуднинг «Сунан»ига ўхшаш тартибланган, аммо ёзишда устози Ибн Абу Шайбани йўлини тутган эди.

МУҲОКАМА

Уламолар олтита саҳиҳ тўплам соҳибларининг китобларидаги шартлари, улар нималардан иборатлиги борасида турли хил фикрларни билдирганлар. Чунки, муҳаддислар китобларида ҳадисларни келтиришда олинган шартларни очиқ-ойдин ёзмаганлар. Кейинги уламолар уларнинг китобларини чуқур ўрганиб чиқиб, уларнинг шартларини аниқлаштирганлар. Муҳаддисларнинг шартлари борасида кўплаб рисолалар ҳам ёзилган. Жумладан, Абу Бакр Ҳозимийнинг «Шурут ал-аимма ал-хамса» рисоласида ровийлар беш табақага бўлинган. «Шурут ал-аимма ал-хамса»даги беш табақанинг хулосаси қуйидагича ва бу шартлар жумладан Имом Абу Довудга ҳам тегишли, деб билинади:

- «қавий уз-забт ва касир ал-мулозамат» – яъни, зеҳни ўткир, хотираси мустаҳкам ва шайхи ҳузурида кўп таълим олган, устозлари билан кўп суҳбатлашган ровийлар;

- «қавий уз-забт ва қалил ал-мулозамат» – яъни зеҳни ўткир, хотираси мустаҳкам, лекин шайхи ҳузурида кўп бўлмаган, устозлари билан кўп суҳбатлашмаган ровийлар;

«қалил уз-забт ва касир ал-мулозамат» – яъни зеҳни паст, хотираси кучсиз ва шайхи ҳузурида кўп бўлган, устозлари билан кўп суҳбатлашган ровийлар;

«қалил уз-забт ва қалил ал-мулозамат» – яъни зеҳни паст, хотираси кучсиз, шунингдек шайхи ҳузурида кўп бўлмаган, устозлари билан кўп суҳбатлашмаган ровийлар;

- заиф ва мажҳул – яъни, номаълум ровийлар.

Мазкур ровийлар табақасига караб «Кутуб ас-ситта» тўламларининг даражаси қандай экани аниқланган. Жумладан, Имом Бухорий фақат биринчи табақадаги ровийлардан ҳадис олган. Айрим ўринлардагина «истишҳод» (қўшимча далил) юзасидан иккинчи табақа ровийларининг ҳадисини ҳам зикр этган. Имом Муслим аввалги икки табақа ровийларидан ҳадис олаверган. Фақат нодир ҳолатларда учинчи табақа ровийларидан ҳам «истишҳод» юзасидан бир-икки ҳадис олганлар.

Имом Насоий аввалги уч табақа ровийларидан бемалол ҳадис олаверган. Имом Абу Довуд эса ҳам аввалги уч табақа ровийларидан ҳадис олган. «Истишҳод» юзасидан эса тўртинчи табақа ровийларидан ҳам ҳадис олган.

Имом Термизий аввалги тўрт табақа ровийларидан ҳадис олганлар. Фақат нодир ҳолатларда бешинчи табақа ровийларидан ҳам «истишҳод» юзасидан бир-икки ҳадис олганлар.

Ибн Можа беш табақа ровийларидан ҳам ҳадис олаверган. Шунинг учун ҳам ҳадис тўпламлари орасида охирги ўринда туради (Аминов. Ҳ, Исмоилов М, Абиев Ҳ, Абдуллаев Б., 2021:225).

Олтита саҳиҳ китоб ровийларнинг юқоридаги тартиб бўйича табақаланиши қуйидагича бўлади:

- «Саҳиҳи Бухорий»;
- «Саҳиҳи Муслим»;
- «Сунани Насоий»;
- «Сунани Абу Довуд»;
- «Сунани Термизий»;
- «Сунани Ибн Можа».

Лекин, ҳозирги кундаги олимларнинг тартиби юқоридаги тартибдан бироз фарқ қилади. Бу тартиб қуйидагича:

- «Саҳиҳи Бухорий»;
- «Саҳиҳи Муслим»;
- «Сунани Абу Довуд»;
- «Сунани Термизий»;
- «Сунани Насоий»;

«Сунани Ибн Можа».

Бу тартибни аслида илк бор Ибн Ҳажар Асқалоний «Булуғ ал-маром мин адиллат ал-аҳком» китобида ҳадисларни саҳиҳлик даражасига қараб тартиблаган (Жамолиддин Абул Ҳажжож Миззий, 1999:101). Асқалонийдан кейин шу тартиб ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

«Саҳиҳи Бухорий»даги «китоб»лар (мавзулар) сони 97та, боблари сони эса 3450та ҳисобланади. «Саҳиҳи Бухорий»нинг ҳадисларини сонига келадиган бўлсак Муҳаммад Фуод Абдулбоқий рақамлашига кўра 7563 ҳадис (Бухорий, 2018:13).

«Саҳиҳи Муслим»даги «китоб»лар (мавзулар) сони 97та, боблари сони эса 1335та ҳисобланади. Ҳадислари сонини Муҳаммад Фуод Абдулбоқий 3033та деган. Лекин, Муҳаммад Аввома: «Бу жуда катта хато. Сабаби, у бу илмни эгаси бўлмаган одамлар билан бирга ишлаган», деб эътироз билдирган (Муҳаммад Аввома, 2016:372). Аҳмад ибн Салама «саҳиҳи Муслим»нинг ҳадислари сонини ўн икки минг дейди (Жалолиддин Суютий, 2016:37).

Бу ададлар тўпламдаги ҳадислар сони такрорлари билан бирга ҳисобланганда юзага келади. Такрорсиз саналганда «Саҳиҳи Муслим» ҳадсилари сони 4000та. «Саҳиҳи Бухорий» такрибида «муаллақ» ҳадислар ҳам бор. Буларни адади ҳақида Асқалоний: «Китобдаги муаллақ ҳадислар сони 1341, мутобаотлар эса 341 ҳадис. Шунда саҳиҳи Бухорийдаги ҳадисларнинг жами сони 9082 ҳадис бўлади», деган (Муҳаммад Аввома, 2016:363).

Имом Абу Довуд «Сунан»идаги «китоблар» (мавзулар) сони 35та, бобларини сони эса 1864та, ҳадислари сони эса 4800та. Бу ададни Имом Абу Довуднинг ўзи қайд этиб кетган. Абу Бакр ибн Доса айтади: «Мен Абу Довуддан эшитдимки, у зот: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган беш юз минг ҳадисни ёзиб олдим. Шулардан 4800тасини «сунан» китобимга жамладим», дедилар (Муслим ибн Ҳажжож, 2018:47).

Имом Термизийнинг «Жоме ас-сунан»идаги «китоблар» (мавзулар)сони 48та, боблар сони эса 2259та. Ҳадислари сони Муҳаммад Фуод Абдулбоқий рақамлашига кўра 4300тадир.

Имом Насоий «Сунан»идаги «китоблар» (мавзулар)сони 52та, боблар сони эса 2572та. Ҳадислар сони Муҳаммад Фуод Абдулбоқий рақамлашига кўра 5274тадир. Шу жиҳатдан Имом Насоийнинг «Сунан»и сунан китоблари ичида ҳадиси энг кўпи ҳисобланади.

Имом Ибн Можанинг «Сунан»идаги «китоблар» (мавзулар) сони 32та, боблар сони эса 1491та, ҳадислар сони эса 4068 тадир. Бу асар муқаддимасидаги ҳадислардан алоҳида саналган ададдир. Ибн Можа муқаддиманинг ўзида ҳам 266та ҳадис келтирганлар. Муқаддимадаги ҳадислар билан қўшганда ҳадислар сони 4334та бўлади.

ХУЛОСА

Ҳадис илмининг олтин даври айнан олти саҳиҳ тўплам муаллифлари яшаган даврга тўғри келади. Асарларнинг ёзилиш тарихи ҳам бир-бирига жуда яқин. Чунки, муаллифлари деярли бир асрда яшашган, кўпчилиги устоз – шогирд бўлишган. Мазкур илмий мақолада ушбу асарларнинг ёзилиш мақсадлари, услублари, таркибий тузилиши ва ҳадисларни қабул қилишдаги китоб соҳиблари қўйган шартлар арофлича ўрганилди.

Имом Абу Довуднинг мақсади барча фақиҳлар томонидан далил сифатида олинган ҳадисларни жамлаш бўлиб, у зот бу хилдаги ҳадисларнинг барча «туруқ»лари билан бирга бир жойда тўплагани, шу эътибордан унинг услуби «Саҳиҳи Муслим»даги услубга ўхшаши кўринади.

Имом Термизий ҳам «Жоме ас-сунан» китобида Имом Абу Довуднинг тутган йўлига юргани ва фақиҳлардан иборат илм аҳллари далил қилиб келтирган ҳадисларни жамлаган. Бироқ, Имом Абу Довуд фақат фиқҳий ҳукмларга чекланган, Имом Термизий эса ақида, сияр, одоб, қиёмат аломатлари бобларини ҳам киритган. Имом Термизийнинг «Сунан»и тартиби, бобларга сарлавҳа қўйилиши Имом Абу Довуднинг «Сунан»ига жуда ўхшаш.

Имом Ибн Можанинг «Сунан»ида тутган услуби ҳам Имом Абу Довуднинг услубига ўхшаш. Бироқ, Имом Ибн Можа ҳадисларнинг саҳиҳлик даражасига Имом Абу Довуд эътибор қаратгандек эътибор қаратмаган.

«Сунани Абу Довуд» нафақат фиқҳий аҳкомларни қамраб оладиган асар сифатида, балки ҳадис илмидаги мантиқий ва методологик ёндашувлари билан ҳам ажралиб туради.

МАНБА ВА АДАБЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аминов. Ҳ, Исмоилов М, Абиев Ҳ, Абдуллаев Б. (2021). Сунани Термизий шарҳи. Ж. 1. Тошкент: Ирфон нашр.
2. Аминов. Ҳ, Исмоилов М, Абиев Ҳ, Абдуллаев Б. (2022). Саҳиҳи Бухорий шарҳи. Ж. 1. Тошкент: Hilol nashr.

3. Абиев Ҳ, Аллоқулов А, Ҳошимов О, Абдураҳмонов М. (2023). Саҳиҳи Муслим шарҳи. Ж. 1. Тошкент: Hilol nashr.
4. Шиҳобиддин Аҳмад ибн Алий ибн Ҳажар Асқалоний. (2005). Фатҳул Борий. Ж. 13. Риёз: Дару Тоййиба.
5. Муҳаммад Аввома. (2016). Тадриб ар-Ровий. Ж. 3. Таҳқиқи Муҳаммад Аввома. Мадина: Дару юср, Дару ал-минҳож.
6. Алий ибн Иброҳим Ажин. (2022). Тағлиқ ат-таълиқ ала сунани Аби Довуд. Мадина: Дару ан-насиҳа.
7. Сулаймон ибн Ашъас. (2008). Рисалту Аби Довуд ила аҳли Макка риф васфи ас-сунан. Байрут: Мактаб ал-Исламий.
8. Исмоил ибн Умар ибн Касир. (1997). Ал-Бидая ва ан-Ниҳоя. Ж. 11. Ҳафуф: Мактаб Ҳажр.
9. Абу Бакр ал-Ҳозимий. (1984). Шуруту ал-аимма ал-хамса. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
10. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. (2018). Саҳиҳ ал-Бухорий. Байрут: Муассасат ар-рисала.
11. Муҳаммад Аввома. (2016). Таҳқиқи тадриб ар-ровий. Мадина: Дор ал-минҳаж.
12. Жалолиддин Суютий. (2016). Таҳқиқи тадриб ар-ровий. Мадина: Дор ал-минҳаж.
13. Муслим ибн Ҳажжож. (2018). Саҳиҳи Муслим. Байрут: Муассасат ар-рисала.
14. Жамолиддин Абул Ҳажжож Миззий. (1999). Туҳфатул Ашроф би маърифатил атроф. Ж. 1. Байрут: Дарул ғарбил исламий.

REFERENCES

1. Aminov. H, Ismoilov M, Abiyev H, Abdullohyev B. (2021). Sunani Termiziy sharhi. V. 1. Tashkent: Irfon publication.
2. Aminov. H, Ismoilov M, Abiyev H, Abdullohyev B. (2022). Sahihi Buxoriy sharhi. V. 1. Tashkent: Hilol nashr.
3. Abiyev H, Alloqulov A, Hoshimov O, Abdurahmonov M. (2023). Sahihi Muslim sharhi. V. 1. Tashkent: Hilol nashr.
4. Shihobiddin Ahmad ibn Aliy ibn Hajar Asqaloniy. (2005). Fathul Boriy. J. 13. Riyoz: Daru Toyyiba.
5. Muhammad Avvoma. (2016). Tadrib ar-Roviy. V. 3. Tahqiqi Muhammad Avvoma. Madina: Daru yusr, Daru al-minhoj.
6. Aliy ibn Ibrohim Ajin. (2022). Tag‘liq at-ta’liq ala sunani Abi Davud. Madina: Daru an-nasiha.
7. Sulaymon ibn Ash’as. (2008). Risaltu Abi Davud ila ahli Makka rif vasfi as-sunan. Beirut: Maktab al-Islamiy.
8. Ismoil ibn Umar ibn Kasir. (1997). Al-Bidaya va an-Nihoya. J. 11. Hafuf: Maktab Hajr.
9. Abu Bakr al-Hozimiy. (1984). Shurutu al-aimma al-xamsa. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
10. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy. (2018). Sahih al-Buxoriy. Beirut: Muassasat ar-risala.
11. Muhammad Avvoma. (2016). Tahqiqi tadrib ar-roviy. Madina: Dor al-minhaj.
12. Jaloliddin Suyutiy. (2016). Tahqiqi tadrib ar-roviy. Madina: Dor al-minhaj.
13. Muslim ibn Hajjoj. (2018). Sahihi Muslim. Beirut: Muassasat ar-risala.
14. Jamoliddin Abul Hajjoj Mizziy. (1999). Tuhfatul Ashrof bi ma’rifatil atrof. V. 1. Beirut: Darul g‘arbil islamiy.